

СИЗ ЮРТ ДЕЯ ЯШАДИНГИЗ

Умр елдек ўтиб кетади, аммо ўзини эзгу ишлар учун бағишлаган инсон ҳаёти, гарчи қисқа бўлса-да, мангуликка дахлдордир.

Тарихга назар ташлар эканмиз, юртимиз эрки ва озодлиги йўлида нанки ўз ороми, балки ўз жонидан ҳам кечган қахрамонларимизнинг кўплигига амин бўламиз. Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Жалолдин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Дукчи Эшон, Қурбонжон додхо... Номларни санашда яна давом этиш мумкин. Улар турли даврларда турли ўлкалардан жаннатмонанд юртимизни гораг айлалаш, юрт фарзандларини қуллик занжирлари ила чирмаш нятида лашкар тортиб келган босқинчиларга қарши ягона мақсад — юрт эрки учун курашиш йўлида майдонга тушганлар.

“Ватан, миллат тақдирини ҳал бўладиган қалтис вазиятларда тўғри йўлни танлай олиш учун аввало тарихни ва ҳаётнинг аччиқ-чучугини билиш керак”. Бугунги куннинг қахрамонлари — юртимизни террорчилардан ҳимоя қилишда иштирок этган ва шахид бўлган ўғлонларимиз ҳам энг қалтис вазиятда Ватан тақдирини ўзларига боғлиқ эканлигини англаб етган фидойи ёшлардан эдилар...

Юртимизнинг жанубий сарҳадлари — Сарийосиё ва Узун туманларининг тоғли худудларига халқаро террорчилар жойлашиб олишга урингани ва энг сара йигитларимиз уларга қарши курашга отлангани тўғрисидаги хабар ватандошларимиз дилда бир-бирига қарши бўлган икки туйғу уйғотди. Бу туйғуларнинг бири — босқинчиларга қарши нафрат ҳисси бўлса, иккинчиси — юртининг уларга қарши туришга дов берадиган мард ўғлонлари борлигидан ифтихор ҳисси эди.

Уша кунларда ватандошларимиз учун энг асосий хабар Сарийосиё ва Узун туманларидаги тоғларда олиб борилаётган “тозалаш операцияси” қандай кечаётгани тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлди. Оз кунлар ичида террорчи гуруҳларнинг асосий қисми яқинда қўрилган тўғрисида хабар олинди. Бироқ... Ун икки шерюрак... Ойдин орзулар қўйида яшашга ҳақли бўлган ўн икки навиқирон йигит...

Шоди ОТАМУРОД, Маъруф ТОШПҮЛАТОВ

ЎЗБЕК КУРАШИ ЕВРОПАНИ ЗАБТ ЭТМОҚДА

Ўзбек спорти тарихида эсда қоладиган, эсланганда кишини ҳаяжонтирадиган воқеалар кўп. Бу воқеалар орасида, айниқса, кейинги кунларда рўй берган, спортимиз тарихида ёрқин Ҳодисага айланган икки буюк ғалабани алоҳида таъкидлашнинг иложи йўқ:

Бири - маҳоратли боксчимиз Мухаммадқодир Абдуллаевнинг Сидней олимпиадасида олтин медални қўлга киритгани бўлса, бошқаси - Европанинг нақ юраги - Буюк Британиянинг Бедфорд шаҳрида биринчи “Ислом Каримов турнири”нинг ўтказилиши бўлди. Мустақиллигимиз тарихида янги, ўчмас сатрлар битилди.


“Кураш” сўзи ҳаммаша “ҳалол” сўзи билан ёнмаён туради. Халқимиз табиятининг жавҳарини ҳам шу икки сўз билан ифодалаш мумкин: “Ҳалол кураш”. Курашимиз табияти биллурлиги, ҳалоллиги учун ҳам жаҳонга юз тугди. Европани ҳам забт этмоқда. Бу бежиз эмас. Курашнинг оидин йўлида “дунёда спортнинг толмас жонқуяри” дея эътироф этилган улуғ инсон - Ислом Каримов турибди.

Курашнинг олам бўйлаб қанот ёяётганидан кўксимиз тоғдек кўтарилиши, мағрурланишимиз, фахрланишимиз, беҳад қувонишимиз боси - кураш билан бирга ўзбекнинг урф-одатлари, феъли, қадриятлари,

жарангдор сўзлари дунёни забт этмоқда. Ўзбекистон Қахрамони, севимли шоиримиз Абдулла Орипов ўтган турнир ҳақида гапирар экан, икки инглизнинг ўзбекча кураш тушаётганини кўриб, агар исмларини демаса, улар ўзимизнинг ўзбекларга жуда ўхшар эди, дея мамнуният билан эътироф этди. Мен шунда “Ислом Каримов турнири” оддий спорт мусобақасигина эмас, халқларни, одамларни орзу - интилишларни яқинлаштирадиган, ижтимоий маънода катта, мамлакатлар миқёсидаги тадбир эканлигини ҳам уққандек бўлдим. Олис Англияда нафақат эркаклар, балки аёллар, ҳатто болаларнинг кураш майдонига тушиши курашимизнинг халқчиллигидан, оммавийлигидан далолат беради.

Турнир иштирокчилари Халқаро кураш ассоциацияси фахрий президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга мурожаат қабул қилишди. Унда, жумладан шундай дейилади: “Шуни ишонч билан таъкидлашимизки, “Ислом Каримов турнири” Буюк Бри-

“ҲЕЧ ОСОН БЎЛМАГАН АБДУЛЛАЛАРГА”



таняда анъанавий халқаро турнир мақомига эга бўлади ва янги минг йилликда дунёда ўзбек кураши довуругининг янада ортишига, жаҳон халқлари ўртасидаги дўстлик ва биродарликни мустақкамлашга хизмат қилади.

Ха, ўзбек кураши Европада кенг ёйилади.

Содиқ СУЛТОН

исботини топди, десак хато бўлмас.

Абдулла 1981 йилда Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани Тиллокамар қишлоғида туғилган. Эндигина 19 ёшга тўлган бу йигитнинг нуфузли мусобақада қатнашишининг ўзиёки бизни беҳад гурулантириб юборди, дейди ҳамқишлоқлари.

— Абдуллага ҳавас қилиб, ёшларимиз спортга қизиқиб кетишди. Уларда ҳам ишонч пайдо бўлди. Дарвоқе, Абдулла қисқа фурсатда яхши натижаларни қўлга киритди. Ҳалол кураши билан мухлислар тилига тушди. Сиднейда ҳам биринчи даврада шовкинга тўлган майдонни “сув қуйгандек” жимликка чўктирди. Аммо, начора, омад ҳаммаша келавермайди. Шу ўринда бир нарсани айтмоқчимизки, Абдулладан ҳали умидимиз катта. Унинг юртимиз байроғини юксакларга кўтарадиган ғалабалари олдинда!

Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ, “Туркистон” муҳбири

Биринчи саҳифага мактуб

НОЁБ ЁДГОРЛИК

Беш йил муқаддам Австралиянинг Сидней университети олимлари Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси Бөрүний туманида археологик қидирув ишларини бошлаб юборган эди. Изланишлар натижасида “Озод” деҳқон-фермерлар уюшмаси худудида минг йиллардан бери қум остида қолиб кетган Оқчаҳон қалъа масканини топишга муваффақ бўлинди. Бугунгача мазкур қалъанинг умумий майдони 47,5 гектар, 3 қаватдан иборатлиги аниқланиб, ёши ўртача 2700-3000 йил деб тахмин этилмоқда. Қазилар жараёнида топилган ашёлар қадимий Хоразм тарихини ўрганишда яна бир ишончли манба бўлиб қолажак.

Толғит СУЮНЧЕВ, “Камолот” жамғармаси Бөрүний тумани бўлими раиси

МУСТАҚИЛЛИК КАШФ ЭТГАН ЮЛДУЗ



Даврон Ўринович Матрасулов — 1971 йил 8 июлда туғилди. У мамлакатимиз тарихида биринчи бўлиб 28 ёшида “Оғир ионларнинг тўқнашуви” мавзuida докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг Фанлар академияси Иссиқлик физикасининг бўлимида илмий изланишлар олиб бормоқда. Бугунгача республикамиз ҳамда Швейцария, Германия, Туркия, Россия, АҚШ, Канада ва Япония каби хорижий ва ҳамдўстлик мамлакатларининг вақтли матбуотида ўттиздан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган. Инглиз, рус тилларида ҳам бемалол маъруза қила олади.

(Давоми 3-бетда)

“Камолот” худуди

АНТАЛИЯДА “КАМОЛОТ” ЛАГЕРИ

Туркиянинг “Тайгерт Травел” туристик компанияси президенти Нуриддин Тўнғич жаноблари Ўзбекистон ёшларининг “Камолот” жамғармаси бошқаруви раиси Комил Юсупов билан учрашди. Туркиянинг Анталия шаҳрида “Камолот” ёшлар лагерини ташкил этиш бўйича фикрлашилди. Мазкур ҳамкорликдан кўзда тутилган асосий мақсад ўзбекистонлик ёшларни хориждаги тенгдошлар ҳаёти билан яқиндан таништириш, улар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда иктидорли ёшларимизга ёзги таътилни хорижда ўтказишга имконият яратишдан иборатдир.

“Камолот” жамғармаси матбуот хизмати

Ислохот чечаклари

САБЗИ ШАРБАТИ — ДАРОМАД МАНБАИ

Энг сархил мевалар республикамизнинг бошқа вилоятлари каби Хоразмнинг Шовот туманидаги “Соҳибкор” жамоа-ҳўжалигида ҳам етиштирилади. Бу ерда ноёб мевалардан иборат боғ 130 гектар ерни ташкил қилиб, мазкур боғдан 13500 тонна мева териб олинади. Бизнинг 70 нафар ишчи хизмат қилаётган “Шўба” кичик корхонамизда эса ана шу мева-сабзавотлар қайта ишланади. Венгриянинг “Вена” фирмаси билан ҳамкорликда ўрнатилган ускуналар йилига 500 тонна махсуслотни қайта ишлаш қудратига эга.

Тайёрланган томат пасталари, шарбат ва мурабболар МДХ давлатларига жўнатила бошланди. Жорий йилда 74 миллион соф фойдани қўлга киритишни кўзлаяпмиз.

Сабзи арзон, аммо унинг шарбатидан катта даромад олиш мумкин. Унинг таркибидаги шифобахш витаминлар она сугига бежиз тенглаштирилмаган. Айни кезларда сабздан шарбат ишлаб чиқариб, хорижий мамлакатларга экспорт қилишни режалаштиряпмиз.

Шокир ДАВЛАТОВ, “Шўба” кичик корхонаси бошлиғи

МАЖМУА КЎРКИДАГИ... ДОФ

Косон шахрининг Шароф Рашидов номи билан аталадиган кўчаси тўпла-тўғри шаҳардаги Мустақиллик майдонига олиб боради. Туман ва шаҳар маъмурий идоралари биноларининг аксарияти шу майдон яқинида жойлашган. Бу - табиий.

Бироқ гап Мустақиллик майдонининг “ўзига хос” кўриниши ҳақида. Майдоннинг қоқ

марказида, табиийки, Истиклол рамзи акс этган монумент қад ростлаб турибди. Атроф озода. Бироқ монументнинг ортидаги бинонинг “афт-ангори” мажмуа кўрғига доғ бўлиб турибди. Гап шундаки, уч қаватли бу бинонинг барча деразалари темир панжара билан қопланган. Юқори қаватнинг ромлари ўрнига гишт териб суваб ташлангани боис бинонинг меъ-

ДИҚҚАТ! ФАКАТ БИР КҮН!

Шу йил 13 октябрь соат 14⁰⁰ да Ўзбекистон радиосида журналист Ваҳобиддин Зиёнинг “Ёшлар тақдироти” дастурида севимли хонандан-гиз Анвар Санаянинг “Енаман” аудио ва видеоальбоми Сиз учун тақдим этилади. Энг яхши совғалар, дилрабо куй-қўшиқлар, энг муҳими, файзли онлар факат Сиз учун, зукко мухлислар! Шошилинг!!!

(Хонанда ҳақидаги мақолани газетамизнинг кейинги сонинда ўқийсиз)

Информацион ҳамкор — “Туркистон” газетаси

ИСРОИЛ УЛЬТИМАТУМИ ЧЎЗАДИГАН БЎЛДИ

Сешанбага ўтар кечаси Исроилда бўлиб ўтган ҳукуматнинг навбатдан ташқари йиғилишида Фаластин раҳбариятига қўйилган ультиматум мuddатини чўзишга қарор қилинди, дейди маҳкаманинг расмий вакили Нахман Шай. Унинг айтишича, Исроил халқаро қақирик-



ОЛАМ ОВОЗИ

ларни ерда қолдиришни истамаган. Чунки уларнинг ўзи ҳам тинчликни тиклаш учун ҳар қандай шароит яратишга тайёр. У яна шуни ҳам билдириб ўтадики, Клинтоннинг телефон орқали қилган тақлифи ҳам қабул этилган. Яъни, Эҳуд Барак АҚШ худудида яна бир бор Исроил-Фаластин музокараларини ўтказишга рози.

САНКЦИЯЛАР БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Люксембургда тўпланган Европа иттифоқи мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари Милошевич раҳбарлик қилаётган пайтда Югославияга нисбатан эълон қилинган санкцияларнинг бир қисмини олиб ташлашга қарор қилдилар. Уларнинг ичида нефт чиқаришга қўйилган эмбарго ва тижорат авиаолақаларига қарши эълон

ЛУКМА

қилинган тўсиқ ҳам мавжуд. Аммо, виза масалалари борасидаги тўсиқлар секин-асталик билан бекор қилинади. Чунки, ЕИ мамлакатлари Слободан Милошевич каби олдинги раҳбарлар ҳаётини енгиллаштиришга кўпам ишқибоз эмас.



Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир. Ким бўлишидан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўрнида яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди.

Юртбошимиз Ислам Каримовнинг бундан икки йил муқаддам тарихчилар ва журналистлар билан суҳбат пайтида айтган ушбу сўзларини эслаганимда, халқимизнинг Истиқлолга қадар босиб ўтган йўлларига қайта-қайта назар солгим келаверди.

Айниқса, яқин ўтмиш — Шўро тузуми пайтида бошимиздан кечирган кўргуликлар, уларнинг сабаблари ва оқибатлари, мустабид жамиятнинг ўзбек халқи бошига солган қулфат ва укубатлари, тажир ва таъйиқлари кўз ўнгимда намоён бўлади.

Октябрь тўнтарисида сўнг юз берган воқеа ва ҳодисаларга назар солсақ, оммавий қирғинлар, қатгортлар 1956 йилларгача содир бўлгандек туюлади. Гўёки, ундан кейин тинч ва дорилонмон кунлар ҳукм сургандек, ярим мустахлак тарзида бўлса-да, халқимиз бироз эркин нафас олиб, инсонлардек яшагандай кўринади.

Аслида эса зулм ҳам, зуғум ҳам ҳеч қачон бўшаган эмас. Балки, шаклини ўзгартириб турган, ҳолос.

Куйидаги мақолаларда баҳоли қудрат шу ҳақда фикр юритилади.

ИНҚИРОЗЛАР САЛТАНАТИ

Олтиминчи йилларда — коммунистик мафкура раҳнамоларининг асосий қисми аллақачон бир ҳовуч тупроқ ёки қулга айланган, фақат, энг улғу доҳийси В. Лениннинг жасадига ҳашаматли мақбара ичидagi ойнаванд тобтуда кунга минглаб кишиларнинг зиёратига мушарраф, аслида, эса томошага ўч ҳалойиқ учун эрмак бўлиб ётган бўлса-да, улардан мерос бўлиб қолган — инсонпарварлик нуқибига ўралган ғайри инсоний гоёлар даҳшатли ўргимчакдек жамиятни ўзининг тўрлари билан маҳкам ўраб олган ва ҳаммани баб-баравар бўғишда давом этар эди.

Танқиддан ва таҳлилдан холи марксизм-ленинизм таълимоти ҳар қандай биқикликда сақланган нарса янглиғ биқиклиш ва айниш лалласига кирган бўлиб, унинг маъно-моҳиятини тугал англамасалар-да, номининг ўзиёқ чексиз ҳоқимиятга эгалик қилишининг энг зўр воситаси, деб билган, аммо, ўзларининг ҳам суянган гоёлари сингари шартли кетиб, парти қолган, кексайган, мункиллаган, ишлагандан кўра хордиққа, ташвишдан кўра оромга муҳтож коммунистик партия ва Шўро давлати раҳбарларининг юксак минбарлардан тинмай оғиз кўпиртирганларига, халққа бахтли ва фаровон ҳаёт ваъда қилишларига қарамадан, бирорта соҳада ишлар жила бўлса-да олға силжимас, балки, тобора орқага кетиб борарди.

Елгончилик ва риёкорлик ботқоқига ботган сиебатнинг қулга айланган, яъни, мафкуравий киши билан занжирдан қилинган, бандларвоз оҳангда "режали" деб номланган, оқибатда, табиий ўсиш ва тараққиётдан маҳрум этилган иқтисодиёт фалаж этилиб, икки юз эллик миллион нафар қудратли халқ қашшоқлик ва мунтазам муҳтожлик балосига гирифт қилинганнинг бутун жаҳон кўриб турар, бонг урар, аммо, мамлакат ичида ўзини ўнгилас учун, хатолардан ҳулоса чиқариш, фуқароларга сиесий, иқтисодий, маънавий эркинлик бериш орқали инсоний турмуш тарзига қайтариш ҳақида ҳеч кимнинг бош қотиргиси келмасди.

Аниқроғи, мустақил фикрлашдан маҳрум этилган, жисман озод, маънавий жиҳатдан эса қуллик психологияси билан захарланган, мустабид тизим инсонийлигини суғуриб олиб, одам шаклидаги ихроци, аммо, номукамал, ношуд роботларга айланган, ўзининг истеъдоди, лаёқати, халқнинг хоҳиш-иродаси билан эмас, балки, кимларнингдир паноҳи ва етагида воёга етган Шўро раҳбарларининг бу ҳақда ўйлашга ақли ҳам, фаросати ҳам, журъвати

ҳам етмас, қотиб қолган гоё ва ақидаларнинг тил-забонсиз асири сифатида кун кечирарди, мансаб курсида жон сақлар, ўз вазифасини кўр-кўрона адо этарди.

Бунинг устига олий раҳбарият омманинг сиесий-ижтимоий тизимга бўлган эътирозини, моддий ва маънавий аҳволдан норозилигини бостиришининг ҳон урушига қадар бу тармоқнинг эгалари деҳқонлар ва чорвадорлар турли баҳоналар билан ўз қонига ботирилди, "қулқ" сифатида қириб ботирилди, жамоа ҳўжалиқларига уюштирилиб, эркин меҳнат қилиш ва ўз меҳнатининг самарасини кўришдан маҳрум қилинди, ҳусусий мулкчиликка бўлган муҳаббати

ҚОНСИЗ ҚАТАҒОНЛАР

Ўзининг лиқоли

анг даҳшатли усулини аллақачон амалиётга киритган ва ўзи ҳам ўшанин кўрбонига айланган эди.

Бутун жамият муттасил равишда уруш хавфи билан кўрқитилар, урушга тайёрланиб яшар ва ялли даромадининг асосий қисми қуролланишга, жон жиҳатидан гоёта қудратли армияни, сирдан Шўро сиебатига хайрихоҳлик билдирувчи, аслида эса тепасига гуруҳ-гуруҳ лўттибозлар қилиб олган, сиесий тузумининг шакли ҳам, моҳияти ҳам ноаниқ бўлган, ўнлаб хоржий мамлакатларни ҳам иккиланмасдан қуроллантиришга сарфланар, қисқа қилиб айтганда, ялли жангилик руҳи саратон (рак) касали янглиғ ривожланиб, кучайиб, жамиятнинг дармонини сўриб ётарди.

Харбий саноат соҳаси энг имтиёзли тармоқ ҳисобланиб, энг зўр олимлар янги киргун қуролларини яратишга сарфлар этилган, замонавий технология қишлоқларга, уларнинг амалга жорий этилиши учун зарур бўлган беҳисоб маблағлар ҳам ўша мақсадга сарфланарди.

Жаҳон технологиясидан узилган, меҳнатлари ва кашфиётлари етарли даражада қадрланмаган бошқа соҳалардаги олимлар, муҳандислар, ихтирочилар томонидан қўл учидати тақомиллаштирилмаётган, аслида эса салгина ўзгартириш билан янглик сифатида ишлаб чиқаришга олиб қилиётган замонавий технологиянинг касрига қолган ва ҳали ҳамон ўттизинчи, қиркинчи йиллардан қолган усқуналарда тирикчилик қилаётган саноат аста-секинлик билан оқсай бошлади ва саксонинчи йилларнинг бошига келиб росмана чўлоқланишга тушди.

Саноат тараққиётдан орқада қола бошлаган, бу қоқоқликнинг ўз-ўзидан бошқа соҳаларга ҳам касри тегди. Айниқса, халқни озиқ-овқат билан таъминлаш лозим ва шарт бўлган қишлоқ ҳўжалиғи бутунлай издан чиқа бошлади.

Аслини олганда Шўро тузуми даврида қишлоқ ҳўжалиғи ҳеч қачон изга тушмаган эди. Чунки, то иккинчи жа-

ҳон урушига қадар бу тармоқнинг эгалари деҳқонлар ва чорвадорлар турли баҳоналар билан ўз қонига ботирилди, "қулқ" сифатида қириб ботирилди, жамоа ҳўжалиқларига уюштирилиб, эркин меҳнат қилиш ва ўз меҳнатининг самарасини кўришдан маҳрум қилинди, ҳусусий мулкчиликка бўлган муҳаббати

Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам СССРнинг бутун армияси асосан деҳқонлардан ва қисқа мuddатда амалга оширилган ялли саноатлаштириш даврида сон жиҳатидан юксалган ишчилар синфининг ҳам катта қисмини кечаги дала меҳнатчилари ташкил этарди.

Оқибатда жанггоҳларда миллион-миллион ер захматқашлари — ноз-неъмат бунёдкорлари киргунга учради ва қишлоқ ҳўжалиғи яна ўн йиллар давомида хотин-халажнинг, уруш ярадорлари ва кексаларнинг қўлида қолиб кетди.

Салгина тикланаётган пайтида Н. Хрушчовнинг бемаъни ислохотларига гирифт этилди. Бу ислохотлар рад этилган пайтда эса, саноат деҳқондан юз ўгирган; салгина тақомиллаштирилган қишлоқ ҳўжалиқ машиналари билан уни маҳаралаш йўлига ўтиб олган эди. Бу атайлабдан қилинган эмас.

Масаланинг моҳияти шунда эдики, олтиминчи, еттиминчи йилларга келиб, олимларнинг нуфузи яхшиланди, улар маоши юқори, яна авом халққа нисбатан дурустроқ имтиёзларга эга бўлган тоифага айланди. Натижада олимликка ҳавасмандларнинг катта қўшини вужудга келди ва фаннинг қалъаларига ҳужум бошланди.

Салгина саводи ёки кўпроқ пули бор кимсанинг кўпчилиғи фан номзоди ва фан доктори унвонларига эга бўлиш мақсадида энг шимариб ишга киришиб кетди.

Албатта, илмий ишларнинг мағзида нимадир янглик, кашфиёт бўлиши лозим эди. Топилиши лозим бўлган ян-

лик эса ҳаётда қайнаб ётарди. Саноат корхоналаридаги усқуналарнинг, қишлоқ ҳўжалиқ машиналарининг айрим мурватини ўзгартириш, иқтисодга оид аллақандай жадвалларни турмушга тадбиқ этиш борасидаги "кашфиётлар" болааб кетди. Айниқса, ижтимоий фан билан шугулланадиганларнинг кунни туғди. КПСС тарихи, марксча-ленинча фалсафа, илмий коммунизм, сиесий иқтисод деган фанлар бамисли уммон эди, унинг тағига шўнғиган одам албатта, олим бўлмасдан чиқмасди.

Чунки, бу номи жарангдор фанларнинг моҳиятини ҳеч қим тушунмас, шунинг учун улар асосида ёзилган, оддий мақоладан ҳам гариброқ илмий ишлар бўтқасининг илмий кенгашларда бозори бениҳоя чаққон эди. Ҳатто, мавзунинг номи-ю, фан ишқибозига ҳомилийк қилаётган раҳбарнинг исми, шарифи, нуфузининг ўзи ҳам химоянинг муваффақиятини таъминлайдиган омили ҳисобланарди.

рибалар қурбони бўлиб айниди, ишонччи оқламаган пахта териш ва бошқа қишлоқ ҳўжалиқ машиналарининг ўлғи ҳўжалиқларнинг катта-катта ҳовлиларини банд этди - машиналар қабристонлари вужудга келди.

Ишлар бутун мамлакат миқёсида орқага кета бошлади. Дўконларнинг пештахталари бўшаб, оддий озиқ-овқат маҳсулотлари учун навбатлар пайдо бўлди. 1982 йилда "СССРнинг Озиқ-овқат Программаси" қабул қилинган ҳам беҳиз эмасди.

Мана шу йилларда жамиятда янги - кўзбўямачилик ва қўшиб ёзиш деб аталган даҳшатли касалликлар пайдо бўлди, барча соҳаларнинг илдизини ва раҳбарларнинг виждонини кемиришга тушди.

Бошдан-оёқ найрангбозликдан иборат бу дардининг таъсири, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган тармоқларни ишдан чиқара бошлагандан сўнг, мамлакат

бора-бора ўзлари ишлаб чиқаришга ҳафсала қилмаганликларига яраша, тинчгина ўзлари билган усулда режани бажаравермасдан, дўконга келган халқнинг насибасига ҳам қўл чўзишга ўтдилар: аҳолига сотиш учун келтирилган туҳум паррандачилик фабрикасига, сариеъ сут заводига қайтариб олиб борилди-да, салгина харажат эвазига ҳўжалиқ ишлаб чиқарган маҳсулот сифатида топширилади ва бу борадаги йиллик режа бажарилади.

Бу дарвозадан кирган ўша маҳсулот эса бошқа дарвозадан яна ўзга қаровозадан кирган бўлади. Агар бу айланма йўлларда эриб, айниб, фойдаланишга яроқсиз бўлса ҳам ҳечқиси йўқ, битта далолатнома билан ҳисобдан чиқади, кетади. Куйганда давлат куяди, қуруқ қолганда эса халқ қуруқ қолади.

Шу йўсида Иттифоқ миқёсида, аввал, озиқ-овқат таҳлили юзага келди. Дон-ку бепоеён қўриқ ва бўз ерларда - Россиянинг, Украинанинг, Қозғистоннинг кенгликларига етиштирилганига қарамадан аҳолини боқис учун муттасил камлик қилар, АҚШ билан Канададан олтин ҳисобига ҳар йили миллион тонналаб сотиб олинар эди.

Дон маҳсулотларининг етишмаслиғи эса чорвачиликни озуқа билан таъминлашнинг белига тепар, натижада, чорва молларининг бош сони йил сайин камайиб, бунинг устига маҳсулдорлиғи ҳам кескин пасайиб борарди.

Шунинг учун ҳам чорвачилик билан шугулланадиган ҳўжалиқлар гўшт комбинатлари билан "олди-сотди" операциясини амалга оширишга мажбур эди. Шу тарзда йилдан йилга чорва молларининг бош сони камайди, ҳосилдорлик пасайгандан пасайиб борди. Деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантиришининг бекиёс ва бебаҳо имкониятларига, сув захирасига, унмудор ерларга эга бўлган улкан мамлакат яна қашшоқлик гиридобига яқинлашиб кела бошлади.

Лекин, Шўро раҳбарлари бунни тан олишни исташмас, ҳар йили халқ ҳўжалиғининг асосий кўрсаткичларини режалаштириш пайтида маррани янада юксакроқ қилиб белгилашга уришилар, бу билан фуқароларга ва хоржий дўст-душманларга Шўро иқтисодиётининг мунтазам ўсишини кўрсатиш пайтида бўлишар, шу йўсида асосий меҳнат кишиларининг гардиандаги юкни сунъий равишда оғирлаштирар эди.

Бутун мамлакат миқёсидаги бу чигалликларнинг, муаммоларнинг касри ҳаёти ва иқтисодиётининг асосий қисми бевосита қишлоқ ҳўжалиғи билан боғлиқ бўлган Ўзбекистонга ҳаммадан кўпроқ тегарди. Чунки, бу жумҳуриятда асосий эътибор пахта етиштиришга қаратилган бўлиб, лаликорик майдонлардан олиннадиган галла микдори республиканинги ички эҳтиёжини қоплашга мутлақо қифоя қилмас, боғлардан олиннадиган мева, узум, дала-ларда етиштирилган савабоз ҳосиллини на тўлиқ қайта ишлашнинг, на сақлашнинг имконияти бор эди.

Бахтиёр РИЗО

Жиноят жазосиз қолмайди

Матбуот жонинга оро кирди. Газета туфайли ҳаётга иккинчи бор келгандек бўлдим. Миннатдорчилигини қабул қилгайсизлар. Лекин менга оиламга нисбатан қўлиналган асоссиз таълиқ ҳали-бери тугамайдиган кўринади. "дед бошлабди ўз шикоят хатини Узун туманидаги Ж.Эшмирзаев ширкат ҳўжалиғида яшовчи Боймурод Жўраев. Тугамаетган таълиқнинг тафсилоти эса қуйидагича:

— 1999 йилнинг 24 июлида Феруза Назарова уримизга келди, "дед ўша кунги воқеани эслади Муқаддас Кенжаева. — У шу ерда савдо-сотик қилиб юрар. уйга ҳам кириб ту-

рарди. Эътибор қилмадим. У аввал уйга бир кириб чиқди. Сўнг ҳолатхона томон кетди. Шунда 6-7 чоғли фуқаро кийимидagi одамлар уйимизга бостириб киришди. Эринчи калтаклай бошлади. Мен кўржиб кетдим. Етти ойлик ҳомиладан борлиғига қарамай мени ҳам олиб кетишди. Ферузанинг қаллоб, фирибгар эканлигини кейин билдим.

Ўз-ўзидан савол туғилади. хўш, бу воқеалар келиб чиқишига сабабчи бўлган Феруза Назарова ким? Феруза текин, мумайинга пул топил илмингда 1999 йилнинг 12 июлида Узун туманида яшовчи Муҳаммад Раҳимовнинг олдига бориб, ўз шартини қўлади. Иш бўш-

ФИРИБГАР АЁЛ тегирмонига кимлар сув қуяди?

мағач. менинг номусимга тегди, деб М.Раҳимовнинг устидан арз қилади. М.Раҳимов оқибатда тергов беришга, бир неча кун хушёрхонада тунашга мажбур бўлади. Айблов эса ўз исботини топмайди.

Бундан ташқари Ф.Назарова Боймурод Жўраевдан фирибгарлик йўли билан ноқонуний равишда олиб кетган хурмо дарахти кўчкларини учун терговга чакўрилатган пайтда — 2000

йил 2 февраль кунни вилоят давлат автомобиль инспекцияси ходимлари томонидан мамлакатимиздан ташқарига 10 қоп азот минерал уяғини ҳеч қандай ҳужжатларсиз олиб ўтиб кетаётганда қўлга олинган. — Феруза Назарова менга гапи борлигини айтди, дейди Боймурод Жўраев. — Кечки пайт уйга келсам Феруза бор экан. У: Мен сизларнинг олдингида хи-жолатданам, виждоним қий-

налатти. Қош қўлман деб қўз чиқариб қўйдим, арсусданам", — деб қолди. Ростданам уканғиз Султонмурод айбсиз ҳибсга олинди. Мен судига қатнашиб, бор ҳақиқатни айтман. Менга ҳам шундай йўл тутишни ўргатишди", — деди. Яна нимадир демоқчи бўлди-ю, ботинолади. Мен қистаб сурадим. У: "Эвазига бир миллион сўм берасизлар, шунда барча иш хамирдан қил суғургандек силлиқ

бўлади", — деди. Бундай пул мена ҳам бутун оиламизда ҳам йўқ эди. Феруза эса ҳар кун келиб, худди қарзи бордек қистай бошлади.

Боймурод Жўраев айтганидек, Ф.Назарова 8 январдан 18 январгача унинг укаси Султонмуроднинг уйига зир қатнагани, ҳатто бир неча бор тунаб қолганини кўни-кўшнилари ҳам тасдиқлашади. "Акс ҳолда Султонмуродга қийин бўлади..." деган гаплари эса Боймуродни азоблай бошлайди. У пул ўрнига хурмо дарахти кўчати беришини айтади. Феруза рози бўлади. 2000 йилнинг 18 январда "Эражик" ва "Дамас" машиналарида келиб, 1610 донга кўчати ортиб кетади.

Қинғир ишнинг қийини қирқ йилда ҳам чиқади, деганларидек Ф.Назарованинг ҳам иши чағасидан кетди. 2000 йилнинг февраль ойида қўлга олинди. Гувоҳлар иштирокида суриштирув ишлари олиб борилгач, шу йил 26 августда Узун туман суди биносида қаллоблик юзасидан очик суд мажлиси бўлиб ўтди. Айбдор озодликдан маҳрум қилинди-ю, яна тўрт ойдан кейин очикқа чиқди.

Шу ўринда Ф.Назаровадек фирибгар ким учун тегирмонига сув қуяди, деган савол пайдо бўлади. Арсуски, ҳали оранизда Ф.Назаровадек гоҳ содда гоҳ мубамбир одамлардан фойдаланиб, ўзининг гаразли мақ-

садларига эришмоқчи бўлганлар тоғилади. Ф.Назаровадек кимсаларга паноҳ гоҳида эса ҳоми бўлиб, қўллаб кишиларни ишдан қўйиб, тинч оилаларни бевасаранжом қилаётганлар ҳам қилмишига яраша жазосини олиши лозим.

Мустақил юртимизнинг ҳар бир фуқароси ватанимиз, мамлакатимиз учун амиз. Адолатли қонунларимиз ҳеч бир шахсни уримсиз беҳурмат қилишга айбсиз айбдор қилишга иш бермайди. Инсон тақдирини уйинчоқ биланлар янглишадилар.

Абдумалик ХАЙДАРОВ, журналист, Жуманазар БАШАНОВ, адвокат


НОБЕЛ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛАДИ
Душанба кунни Стокгольмда Нобел ҳафталиғи бошланди. Шу кундан бошлаб бир ҳафта давомида энг оғури халқаро муқофот — Нобел муқофоти совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади. Энг биринчи бўлиб ўз муқофотларини олиш бахтига медицина ходимлари эришди. Кеча эса физика ва химия

бўйича ўз иқтидорларини кўрсатган олимлар тақдирландилар. Бугун навбат иқтисодга етиб келди. Нобел душанба кунни медицина ва физиология бўйича Арвид Карлсон (Гётеборга университетининг фармакология факультети), Пол Грингард (Рокфеллеровский университетининг Нью-Йоркдаги молекула ва тўқималар таълиқ тадқиқот лабораторияси) ҳамда Эрик Кан-

дель (Колумбия университети Нью-Йоркдаги невробиология маркази)ларга насиб қилганлиғи ҳақида ахборотлар тарқалди.

ЧЕРНОГОРИЯДА АВТОХАЛОКАТ
Мило Жуканович ўтирган машина Цетина-Будва трассасида автохалокатга учради. Иккита шахсий автомобилнинг ўзаро тўқнашуви натижасида

улардан бири чизикдан чиқиб кетган ва рўпарадан келаятган машинага бориб урилган. Оқибатда Жуканович елкасидан ва оёғидан энгил жароҳат олган, дейилади «Новости» хабарларида.



ДАВРОНБЕККА ЕТИШДИ ДАВРОН

(Давоми.
Аввали 1-бетда)

Бундан ролпа-роса 13 йил муқаддам Хоразмнинг Хазорасп туманида жойлашган Мирзо Улуғбек номидаги ўрта мактабда кутилмаган воқеа бўлиб ўтди. 9-синф ўқувчиси Даврон Матрасулов аввал мактаб директорига сўнгра туман халқ таълими бўлимига ариза топширди. Ҳозир у ўқувчи ўз аризасида ўрта мактабни тугатганлиги тўғрисида шаҳодатнома беришни сўраган эди. Давроннинг бу кутилмаган аризаси раҳбарларни ҳайратда қолдирди.

Туман халқ таълими бўлимидагилар ҳам 9-синф ўқувчисининг аризасини қўриб чиқиб, ҳал қилиш масаласини вилоятдаги мутасаддилар эътиборига ҳавола қилди. Хоразм таълим соҳасида ҳали 9-синф пайтидаёқ 10-синф ўқув дастурини мукаммал ўзлаштириб бўлдим, дея шаҳодатнома талаб қилиш факулдада янглик эди.

Хуллас, ўз аризасига ижобий жавоб кута-кута янги ўқув йилини кутиб олган Давроннинг талаби қондирилмади. Ҳаш-паш дегунча бир йил ҳам ортда қолган, у бир йула Москва Давлат университетига ҳамда Тошкент Давлат университетига ҳужжат

топширди. Иккала олийгоҳда ҳам кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширди. Ва баъзи сабабларга кўра Тошкентда таълим олишни маъқул кўрди.

Олийгоҳни тугатиб, 1993 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Иссиқлик физикаси бўлимига кичик илмий ходим бўлиб ишга кирди. Динамикага хос ҳодисалар, юқори энергияли релятивистик оғир ионларнинг тўқнашуви, релятивистик кам заррли системалар назарияси каби бир неча соҳаларда илмий тадқиқотлар олиб борди. Релятивистик оғир ионларнинг оғир атомлар билан тўқнашув жараёнини тавсифлаш услубини ишлаб чиқди. Ядро физикаси ва элементар зарралар физикасининг қатор муаммоларини тадқиқ қилди. 30 дан ортиқ илмий мақолаларини ўзида мужассамлаштирган "Оғир ионлар тўқнашуви" номли китоби ҳам бундан 13 йил муқаддам унинг мурғак қат

бида жўш урган орзулари билан ҳисоблашмаган шўрлар тузумида бундай улғу бахтга эришиб бўлармиди? — Пулат Ҳабибуллаев, М.Мусахонов, Б.Йўлдошев, В.Матвиев, Р.Раҳимовлар ўз мактабига эга бўлган олимлар саналади — дейди ёш фан доктори Даврон Матрасулов биз билан суҳбатда. — Келажакда мен ҳам устозларим сингари ўз физика мактабимни яратишга интиляман.

— XXI аср заковат асри, — дейди Даврон Матрасулов. — Айни замонда АҚШнинг "Майкрософт" компанияси дунёнинг барча компьютер тизимини дастурлар билан таъминлаётгани каби келажакда жаҳон бозорига соҳилдагидан асосий нарсалар, назариялар ва улкан дастурлар бўлиб қолади.

Давроннинг тунглиб ўсган хонадонига ҳам таъриф буюрди. 2500 йилдан ортиқ тарихга эга бўлган Хазорасп қалъасидаги мўъжазгина уйда бизни алқаб-алқаб кутиб олганлар орасида минг ойни яшаб қўйган Рузигул мома ҳам бор эди. Момога "қувлик" қилиб савол қотдик.

— Неварангининг док-



торлик иши нима деб аталишини биласизми?

— Нега билмас эканман. — деди истараси иссиқ чехрасида нур порлаб турган Рузигул мома. — "Оғир ионларнинг тўқнашуви" деган-да.

— Физик бўлиб кетинг-а, — деймиз хандон отиб қулиб.

— Эҳ, болам-а, — дейди номомонимиз. — Мени ҳеч нимага ақли етмай қолган, чунки кампир деб ўйланганлар, ҳамма нарсалар фаҳминг етди. Мустақиллик меннинг ёшлигимда бўлганида эди. 28 ёшимда доктор эмас, академик бўлар эдим!

Рузигул момонинг бу гапларидан Истиқул дарсини ўқиш мумкин эди. Эеро, мустақилликда ҳикмат кўп. Бу улғу неъматда қудратбахшлик маъжуд. Боболаримиз, момоларимиз кўмсаб яшаган озодлик биз ёш авлод учун чексиз имконият эканини момонинг сузлари-ю Давронбекнинг фаолияти яна бир қарра исботламайдими?

Эрпўлат БАХТ, "Туркистон" мухбири

Суратда: Давронбек Матрасулов устози академик Пулат ҲАБИБУЛЛАЕВ

БИЛИМЛИ МИНГНИ ЙИҚАР

Сенинг тенгдошинг

У болалигиданоқ ҳисоб-китобга қизиқди. Қўшиш, бўлиш, айириш, кўпайтириш амалларини миёсида тезда бажариб эҳти ўтқирлиги билан тенгдошлари орасида ажралиб турарди. Катталар унга ҳавас билан қарашарди...

Мустақиллик Фарҳод Эшматов каби билимга чанқоқ ёшларнинг орзусини рўёбга чиқаради. У ҳам тенгдошлари қаторида "Умид" жамғармаси грантига фанлари номзоли. Ошлагаги муҳит, дастурхон атрофидаги ҳар-хил математик фикрлар баҳси, спортшувар фарзаларининг онгига таъсир этмасдан қолмади. Акса Бахтиёр математика факультетини ботириб, ани пайтда аспирантурада таҳсил олмоқда. Уқаси Олимжон эса худди шу факультетнинг II курс талабаси.

Барибир, авлодлар томирида буюк алома ажлоаларнинг қони оқади. Ахир, "алгебра" сўзи Шарқ математиги ва астрономи Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг асаридан олин-

ганини бугун бундан дунё тан оляпти.

Фарҳод ана шундай бобо-ларнинг наби-раси сифатида уларнинг иштини давом эттирмоқда. Америкада ўқиб юрган кезларида математикага оид бир қанча илмий ишларни "New York Times" газетасида эълон қилди ва энгил математик амаллари билан хоризмик мутахассисларнинг назарига тушди. Мамбутомлаги тез-тез чиқишларидан сўнг уни "Математиклар жамияти" аъзолигига қабул қилди. Энди у буш вақтини бекор ўтказмасликка ҳаракат қилади. Бу орада инглиз тили ва компьютерни мукамал ўрганди. Ўз устаси кунт билан ишлаш янада кўп нарсаларни ўрганишга асос бўлади.

Жорий йилда Фарҳод университетни магистрат даражасидаги диплом билан тугатиб, Ватанимизга қайтиб келди. Бироқ, университетдаги Синаи Якоб Григорьевич, Гюккен Хайлер каби профессор-ўқитувчилар Фарҳодгаги қобилиятини кўриб, унинг келажакда ўз соҳасининг етуқ мутахассиси бўлишига ишонч билдиришди. Шу сабаб университет президенти номидан Ўзбекистонга хат ёзиб, Фарҳодни докторантурага тақдир этишди. Стипендия билан таъминлашни ҳам Нью-Йорк университети ўз ҳисобига олади.

Зиёда АШУРОВА, "Туркистон" мухбири

орасига янада чуқурроқ кириб боришларингиз учун яна қандай имкониятларни топиш керак, деб ўйлайсиз?

— Кўнглимдагини топиб айтдингиз. Биласизми, ёшлар ичига кириб борганимиз сайин уларнинг турли муаммоларига дуч келамиз. Аммо уни ҳал қилишга келганда ожизлигимиз сезилиб қолади. Бунинг яна бир сабаби-жамғарма низоми-нинг эскиргани. Кўрқмасдан айтаманки, бу низоми билан ҳозир ҳеч қандай иш қилиб

СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ АВЛОД ДЕМАКДИР

Бу оила барча ўзбек оилаларига ўхшайди. Набиралар кулгусидан қувониб, фарзандлар тўйини катта саодат санаб яшайди. "Ассалому алайкум" билан тонгни оттириб, шўкрона билан кунни кеч қилади.

Ўзбекиона катта дастурхон атрофида жам бўлиб, узун гурунглр қилади. Адолат хола Сарибоева 65 ёшда. Беш қобил ўғилнинг онаси, 22 нафар ширин-шакар набиранинг бувижониси. Бу бахтли оила Сирдарё вилояти Бобўт тумани Носир Маҳмудов жамоа ҳўжалигида яшайди.

Адолат аянинг бағри яна бир янги, ёш оила билан тўлди. Демак, ўзбекиона ширин "ташвишлар" яна кўпайди. Эеро, соғлом оила — соғлом авлод демакдир.



Шахло ТУРАЕВА Нуриддин МАҲКАМОВ фотолари

— Президентимиз бугунги замон ҳар битта раҳбардан тадбиркорлик, ташаббускорлик ва изланувчанликни талаб этади, деб кўпгина йигилишларда таъкидлайдилар, — дейди Усмон Юсупов туманидаги 134-очик ҳиссадорлик жамияти раиси Оидил Турсунов. — Дарҳақиқат, замонавий раҳбар тадбирли, ишбилармон, ташаббускор, жамоаси корига ярай оладиган ва бошқаларни ортидан эргаштира оладиган бўлиши керак. Бизнинг авторхорхонада ана шу руҳ хукмор...

Аслида авторхорхона-

Мехнат инсонни улуглайди

РАҲБАР ХОДИМЛАРНИНГ КОРИГА ЯРАСИН...

миз бундан беш йил бурун очик ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганди. Бугунги кунга келиб, ана шу ташаббуснинг натижаси ўларок корхонамизнинг низоми сармоясига олти миллион етти юз ўттиз минг сўмини ташкил этди.

Яна шунини алоҳида таъкидлаш керакки, жамиятимизнинг Усмон Юсупов ва Баҳористон туманлари аҳолиси ва ташкилотларига кўрсатилган хизмат турлари кейинги йилларда ях-

шиланди. Негаки, Усмон Юсупов ва Баҳористон туманларидаги ҳўжалик ва ташкилотларга, "Муборакнефтгаз" нефть ва газ конлари бошқармаси тасарруфидаги кор-

лов, Бойназар Шоматов, Берди Юсупов, Назар Турсунов, Икром Рўзиев, Ашур Камолов, Ҳосил Боймирзаевлар бошқаларга ўрнак бўляпти. Ходимларимизнинг манфаатдорлиги бозор иқтисодига бориляпти. Таътилга чиққан ходимларимизга мунтазам равишда санаторияларга йўлланма бераймиз. Ёзги мавсумда уларнинг эллик нафар фарзандлари "Қашқадарётранс" бирлашмасига қарашли Яққабогдаги "Автомобилчи" оромгоҳида дам олди.

Жамиятимиз тумандаги маданият муассасаларига ҳомийлик қилиб келади. Жумладан, С.Раҳимов, Н.Нуриддинов, Й.Қурбонов номи мактабларни ҳамда "Зебунисо" болалар боғчасини оталикка олганмиз. Уларнинг ўқувчилари доимий равишда рағбатлантириляпти.

Мулоқотни Файзулла ЭШКУЛОВ ёзиб олди



тишда муҳандис-технологлар Абдумурод Нурматов, Абдугани Оразуку

...Ойнадан ўпқалма

ҲОСИЛНИНГ УВОЛИ

Ўзбекистон Республикаси Вазиарлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 январдаги "Экиларнинг пайдон қилинишига қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан Хатирчи туман прокуратураси умумий назорат тартибда текширишлар ўтказди.

Текширишлар давомида фуқаролар томонидан бир қанча қўғирчиликлар амалга оширилганлиги маълум бўлди.

Туман прокуратураси, ИИБ, маҳаллий ҳокимиятлар ва ширкат жамоа ҳўжаликлари раҳбарлари иштирокида тузилган комиссиялар ўтказган рейдлар давомида аниқланган пахта пайдон қилиш, қўсақларни молларга едириш, пахтаворда мол боқиш ҳолатлар натижаси бўйича маъмурий иш қўзғатилди. Етказилган 380254 сўмлик зарар ундирилди. 27 та чорва моллари сўйилди ва 2 та материал воёга етмаганлар билан шуғулланувчи комиссияга юборилди.

Жумладан, А.Навоий номи ширкат ҳўжалиги Шулағтепа қишлоғида яшовчи нафақахўр Қаршиев Эсонбойга тегишли 3 бош қорамол пахтага тушиб пайдон қилганлиги учун бир бош қорамол сўйилиб ҳўжаликка топширилди. Етказилган зарар 65 минг сўмин ташкил этган.

Бундан ташқари Э. Абдиев номи жамоа ҳўжалиги 2-бригадасида яшовчи 1987 йилда тутилган, воёга етмаган Музафаров Ҳамдамов шу ҳўжаликнинг 2-бригадаси ҳудудидagi пахта майдонидан 11 килограмм 858 сўмлик қўсақни терганлиги аниқланди. Етказилган зарар воёга етмаган М. Ҳамдамовнинг ота-онасидан ундирилди ва тўлганган материаллар чора қўришмак учун туман ҳокимияти қошидаги воёга етмаганлар билан шуғулланувчи комиссияга юборилди.

А.Ерқақабов номи ширкат ҳўжалигининг Дустанлик қишлоғида яшовчи фуқаро Шоди Рафқоровга тегишли 5 бош қорамол шу ҳўжаликнинг 1-бригадасига қарашли 8 гектарлик пахта майдонини пайдон қилганлиги натижасида ҳўжаликка 25368 сўмлик зарар етказганлиги аниқланди. Етказилган зарар тўлалигича ундирилиб, Хонда қишлоғи фуқаролари йигиринининг қарори билан фуқаро Ш.Рафқоровга тегишли бир бош қорамол сўйилиб, тўшти ҳўжаликнинг "Тулор" болалар боғчасига ва музтож оилаларга берилди.

Ушбу ҳолат юзасидан фуқаро Ш.Рафқоровга нисбатан маъмурий иш қўзғатилди ва қонуни бузилишига йўл қўймаслик ҳусусида расмий равишда огоҳлантирилди.

Салом САМАДОВ, Хатирчи тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси

— Ёшларнинг орасида юргангиз бонс уларнинг руҳияти, олами билан яқиндан танишсиз. Ёшлар билан ишлайдиган сиз каби раҳбарларнинг ёшлар ҳақидаги фикри бошқаларга қараганда анча тиник бўлади.

— Ҳозир энг кўп имкониятлар эгаси — ёшлар. Уларга ҳавасингиз келади. Бугунги ёшларга бўлган муносабатимни биргина ҳолат билан ифодалаб бера оламан. Ҳолатки, баъзан беҳуда кўкка соврилган ёшлик дамларини эслаб, изтироб чекаман. Нега? Бугунги ёшларга берилган имкониятни кўриб! Шундан билверингки, олдинги ва бугунги ёшлар ҳақидаги фикрим бир-бирига қарама-қарши.

Бу мени қувонтиради. Аммо бугун миллатимизга, динимизга, ўзлигимизга ёт бўлган ғоялар таъсирига тушиб қолган нодон укаларимнинг аҳволини кўриб ачинаман. Мендаги ачиниш — фақат ўзлигимизда кечиб, фожасидан беҳабар қолган одамга нисбатан қаратилган. Миллати, халқи, ватани, давлати, мадҳия, байроғи, гөрби, ниҳоят Юртбошиси бор одамнинг кўксидagi миллий гурури бую-бутун бўлади. Узининг гурурига хиёнат қилган ғаламисларда гурури нима қилсин. Ахир, хиёнаткорнинг кўзга суриб ўпадиган байроғи бўлмайди-ку!

— Вилоятда ёшлар кўнглини қандай топ-япислар? — Бизда истеъдодли,

билимдон йигит-қизлар кўпчиликини ташкил этади. Аммо биз билмаган, ҳи истеъдодли юзага чиқара олмаган ёшларни қидиряпмиз. Шу ўринда бир нарса-

Очиқчасига гаплашайлик

ХИЁНАТКОРНИНГ КЎЗГА СУРИБ ЎПАДИГАН БАЙРОҒИ ЙЎҚ

Навоий вилоят "Қамолот" жамғармаси раиси Ҳамза Раҳматов билан суҳбатлашганимда, у қиши жамғарма фаолиятининг гоҳ ютуғи, гоҳ камчиликлари борасида жон куйдириб гапирар экан, таъкидлаб қўярди: "Ёшлар билан ҳисоб-китоб қилиш даври келди!"

ни алоҳида таъкидламоқчиман. Ишимиз тадбирлар ёки йигилишларнинг сони билан эмас, натижа билан белгилади. Шу маънода маъжуд имкониятларимиздан кўнглимиз тўлмайди. Бу ҳақда яқинда бўлиб ўтган жамғарманинг навбатдан ташқари йигилишида ҳам айтилди.

— Афсуски, кейинги пайтда "Қамолот"нинг фаолиятдан ёшларимизнинг кўнгли тўлмади... Сиз раҳбарлик қилаётган вилоят бўлимида ёшлар билан ишлаш сизни қониқтирмаётган экан, ҳўш бунинг сабаби нимада?

— Вилоятимиз ёшларига аниқ йўл-йўриқ кўрсатишда ҳамон оқса-япмиз. Баъзи ёшларимиз ёт ғоялар таъсирига тушган бир пайтда ўзимиз қилаётган ишлардан кўнглим тўлмайди. Ёшларни бу йўлдан қайтаролмаймизми, демак, биз яхши ишламаяпмиз.

бўлмайди. Ўзимиз қилаётган ишларнинг талабга жавоб бермаётгани сабаби ҳам шундай муаммоларга бориб тақалади. Охириги сўзим шу: Ёшлар билан ҳисоб-китоб қилиш даври келди.

Суҳбат доирасининг охириги сузлари мени яна ўйлантириб қўйди. Ким ёшлар билан ҳисоб-китоб қилиши керак ўзи? Ҳаммамиз! Ахир, ҳокимнинг ҳам, директорнинг ҳам, дехқоннинг ҳам фарзандига-ҳаммасига битта сифат берилган: Ёш! Демак, ёшлар билан ишлашга ҳамма биргалишиб киришимиз лозим. Бу ишда, айниқса, ҳокимликлар, раҳбарларнинг, қолаверса бошқа ташкилотларнинг ҳамкорлиги яхши самара берган бўларди, деб ўйлайман.

"Туркистон" мухбири Шоди ОТАМУРОД суҳбатлашди



